

Уламоларнинг Тошкент вилоятига ташрифи давом этмоқда



21:43 / 12.07.2021 1424

Бугун 12 июль куни юртимизнинг таниқли уламолари Тошкент вилояти Ангрен шаҳар, Оҳангарон тумани, Оҳангарон шаҳар ва Ўртачирчиқ туманларига ташриф буюришди.

Хусусан, “Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф” жоме масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содиқ Оҳангарон тумани, “Қорахитой” жоме масжидида пешин намозидан сўнг илмий суҳбатлар қилиб бердилар.



Шунингдек, бугуннинг ўзида бир қанча юртимиз уламолари ҳам кўрсатилган жоме masjidларда халқимиз билан учрашиб, илмий

суҳбатлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар, янгилик ва хушxabарлар, динимиз аҳкомлари, таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, уламолар мўмин-муслмонларни шаръий ва ижтимоий саволларига батафсил жавоб бердилар.



